O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
5 июль
ЧОРШАНБА
№ 52
(11.855)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

## «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида

Ҳаракат таркибидан, хусусан, шинам "Мерседес-Бенц" автобусларидан самарали, авайлаб ва мақсадли фойдаланишдан автобус саройлари ходимларининг манфаатдорлигини ошириш, хусусий ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантириш ва шу асосда Тошкент шаҳри аҳолисига шаҳар автобус транспортида йўловчи ташиш хизмати сифатини яхшилашни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 январдаги ПФ-3713-сонли Фармони билан тузилган Ишчи комиссиясининг, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасининг "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини, иловага мувофиқ, хусусий мулк этиб икки босқичда сотиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин: биринчи босқичда (2006-2007 йиллар) - жалб этилган хорижий кредитлар тўлиқ тўланган 159 та "Мерседес-Бенц" автобусларининг қиймати устав жамғармаларига қўшилишини ҳисобга олган ҳолда автобус саройларининг давлатга қарашли акцияларини сотиш; иккинчи босқичда (2008-2010 йиллар) - автобус саройларининг устав жамғармаларини Ўзбекистон Республикаси кафиллигида олинган ва ҳали тўлиқ тўланмаган хорижий кредитлар ҳисобидаги 362 та "Мерседес-Бенц" автобусларининг қиймати миқдорида кўпайтириш, шу қийматга тенг миқдорда қўшимча равишда чиқарилган акцияларни хусусий мулк этиб сотиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги, "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси билан биргаликда 2007 йилнинг 1 январигача 362 та "Мерседес-Бенц" автобусларининг қиймати қўшилишини ҳисобга олган ҳолда "Тошавтобустранс" АК автобус саройларининг устав жамғармаларини белгиланган тартибда мувофиқлаштирсин.

2. Белгилансинки, хусусий мулкида "Мерседес-Бенц" автобуслари мавжуд бўлган "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлат акциялари пакетлари ёпиқ кимошди савдоларини ўтказиш асосида биринчи навбатда автобус саройлари меҳнат жамоаларининг аъзоларига, шунингдек, "Тошавтобустранс" АК таркибига кирган ҳамда йўловчиларга бир маромда ва бехатар хизмат кўрсатишни таъминлайдиган ишончли автойўловчи ташувчи сифатида ўзини намоён этган автокорхоналарга сотилади.

3. "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларини тақсимлашнинг қуйидаги тартиби белгилансин:

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 30 фоизи, биринчи навбатда, "Мерседес-Бенц" автобусларини сотиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси кафиллигида жалб этилган хорижий кредитларни тўлашга;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг 40 фоизи 2010 йилнинг охиригача "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасига қайтариб бериш шарти билан автобус саройларининг ҳаракат таркибини янгилашда, шу жумладан лизинг асосида мақсадли фойдаланиш учун беш йил муддатга йўналтирилади;

давлатга қарашли акциялар пакетларини сотишдан тушадиган маблағларнинг қолган қисми қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақсимланади.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда

(Давоми 2-бетда).

*Галла — 2006*

## БУҒДОЙЗОРЛАР БАРАКАСИ

**Оққўрғон туманида «Бурхон» фермер хўжалиги кўпчиликнинг тилига тушган. Деҳқончиликда кўп йиллик тажрибага эга фермер Бурхон Курбонов ҳамон интилиш ва изланишдан толмайди. Шу боисдан ҳам, хўжалик ташкил этилганидан буён, деҳқончиликда салмоқли ютуқларга эришиб келинмоқда.**

Бу мавсум хўжаликда 23 гектардан ошиқроқ майдонда ғалладан мўл ҳосил етиштирилди. Хўжалик аъзолари кутилганидан қарийб икки баравар юқори самарадорликка эришиб, ғаллазорлардан 126 тонна дон йиғиштириб олдилар.

— Экин майдонимизнинг аксарият қисмида ҳосилдорлик 60-65 центнергача етди, — дейди фермер. — Барчасига ҳалол меҳнат ҳамда агротехник қоидаларга масъулият билан ёндошиш эвазига эришдик. Аъзоларимизга 4-5 тоннадан буғдой тарқатишни кўзлаб турибмиз.

***СУРАТДА:*** *фермер Бурхон Қурбонов мавсумда эришган муваффақиятидан мамнун.*

**Пардавой ЭРГАШЕВ олган сурат.**

**● Вилоятимиз ғаллазорларида ўримйиғим мавсуми қизғин давом этмоқда. Ҳар куни далаларда 250 тага яқин комбайнлар юқори унум билан ишламоқда. Улар ёрдамида кунига 6400 тоннадан зиёд ҳосил ўриб-янчиб олиняпти.**

**● Вилоятнинг шимолий минтақаларида ҳам мавсум ҳал қилувчи паллага кирди. Бўстонлиқ, Оҳангарон, Паркент туманларида кунлик суръат барқарор ўсиб, хирмонга барака кирмоқда.**

**● Бугунги кунгача ғаллакорларимиз эл-юрт хирмонига 247 минг тоннага яқин буғдой етказиб бердилар.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### ҲАРБИЙ ҚИСМДА УЧРАШУВ

***Бекобод шаҳридаги «Ўзметкомбинат» АИЧБга қарашли қўриқлаш хизмати ҳарбий қисмида очиқ мулоқот ташкил этилди.***

Шаҳар хотин-қизлар қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирга харбий хизматчиларнинг ота-оналари, яқинлари таклиф этилди. Йиғилганлар ҳарбийларнинг яшаш шароитлари ва хизматларининг бориши билан яқиндан танишишди. Учрашув барчада илиқ таассурот қолдирди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

### ЎҚУВ АНЖОМЛАРИ КЕЛТИРИЛАДИ

***Олмалиқ қурилиш уй-жой коммунал хизмати касб-ҳунар коллежига ташриф буюрган кореялик тадбиркорлар ўқув юрти дарс жараёнлари билан яқиндан танишиб, ётоқхоналар, ўқув ҳамда маъмурий биноларидаги шарт-шароитларни кўздан кечирдилар.***

Икки томонлама келишувга асосан, эндиликда имтиёзли кредит лойиҳа доирасида коллежга янги ўқув йили бошлангунга қадар ўқув қуроллари келтирилиши режалаштирилди. Шунингдек, бу ерда ҳайдовчилар тайёрловчи курс фаолияти йўлга қўйилиши ҳам кўзда тутилмоқда.

**Мўйдин ИБРОҲИМОВ.**

### «МЕНИНГ ШАҲРИМ — МЕНИНГ ВАТАНИМ»

***«Бекобод ишчиси» ва «Работник Бекабада» газеталари таҳририяти шаҳар халқ таълим бўлими билан ҳамкорликда Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишлаб, шаҳардаги мактаб ўқувчилари орасида «Менинг шаҳрим — менинг Ватаним» мавзуида иншолар кўрик-танловини ўтказди.***

Мактабларнинг юқори синф ўқувчиларидан энг иқтидорлилари танлаб олингач, уларнинг ишлари ҳайъат аъзоларига тақдим этилди.

Ўзбек ва рус тилларида ёзилган иншолар орасидан энг сараларига таҳририятнинг қимматбаҳо совғалари топширилди.

**Ўз мухбиримиз.**

### ЁШЛАР ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ

***Тошкент Давлат Аграр университетида «Биз гиёҳвандликка каршимиз» мавзусида семинар-тренинг ўтказилди.***

Унда иштирок этган университет ўқитувчи ва талабалари, вилоят ОИТС маркази ходимлари ҳозирги куннинг долзарб муаммоси — гиёҳвандлик балоси, унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва олдини олиш борасидаги фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Гиёҳвандлик иллати, унинг хавфли асорати сифатида пайдо бўладиган ОИТС ва гепатит хасталиклари инсон ҳаётининг кушандаси эканлиги ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

## ЯНГИ ШОХОБЧА ИШ БОШЛАДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси юзасидан жойларда кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда.**

Мазкур қарорга мувофиқ, вилоятнинг Зангиота туманида аҳолига зооветеринария хизмати кўрсатиб, озуқа маҳсулотлари билан савдо қилувчи янги "Мирзарахим-Чорвадор" хусусий корхонаси иш бошлади.

— Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ўн тўрт мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатамиз, — дейди мазкур корхона раҳбари М. Абдувалиев. — Ўзим ўттиз беш йилдан бери ветеринария соҳасида ишлаб келаман. Шундай шохобча очишни кўпдан бери ният қилиб юрардим. Мамлакатимиз раҳбарининг бу қарори ана шу ниятимни амалга оширишга туртки бўлди.

Ушбу шохобчада сигирларни сунъий қочириш, касал молларни сақлаш жойлари, ветеринария дорихонаси ҳамда чорва озуқаси сотиш бўлимлари мавжуд.

Айни пайтда "Галла-Алтек" ҳамда "Оҳангарондон" акциядорлик жамиятлари ва қатор дон маҳсулотлари корхоналари билан шартнома имзоланиб, аҳолига омухта ем сотиш ишлари бошлаб юборилди. Шунингдек, бир қатор хавфли касалликларга қарши доридармонлар ҳам келтирилди.

Аҳоли ҳамда чорвачилик билан шуғулланаётган фермер хўжаликларига қарашли қорамоллар зотини яхшилаш мақсадида чет элдан сифатли уруғлар келтириш бўйича ҳам иш олиб борилмоқда.

**Лутфулла СУВОНОВ, ЎзА мухбири.**

*Битирувчи*

## МУСТАҚИЛ ҲАЁТГА ЙЎЛЛАНМА

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясининг навбатдаги битирувчилари учун мустақил ҳаётга йўлланма берилди.**

Дастлаб академия раҳбари Республика ички ишлар вазирининг битирувчи ёшларга лейтенант унвонини бериш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди. Бу йил мазкур даргоҳни 600 нафар ёш офицерлар тамомлайди, улардан 25 нафари аёллардир.

Академиянинг кундузги таълим ҳамда Олий академик курсини имтиёзли якунлаган талабаларга дипломларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов топширди.

Сўзга чиққанлар битирувчиларни мустақил Ватанимиз, халқимизни ишончли ҳимоя қилиш, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашдек мураккаб ҳамда масъулиятли вазифа кутаётганлигини таъкидлашди.

— Бугунги ҳаяжонли онларда, айниқса, ота-оналарнинг қувончлари чексиз бўлди, — дейди оққўрғонлик Гулчеҳра Собирова. — Улар ўз элига муносиб ўғлонларни вояга етказишди. Фарзандлари она Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли йўлни танлаганларидан ҳар қанча фахрланса-лар арзийди. Ёш офицерларимиздаги шижоат, қатъиятни кўриб, юртимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Ўғлимиз Олимжон ёшликдан масъулиятли касбни эгаллаш орзусида эди. Мана, бугун у ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш бўйича мутахассислик даражасига эга бўлди.

Тантанали маросимдан сўнг, Академия клубида битирувчилар ҳамда ота-оналар учун концерт дастури намойиш этилди.

**Саид ҲАСАНОВ.**

**Мустақилликнинг 15 йиллигига**

**Яқинда Ўртачирчиқ тумани марказида икки қаватли замонавий, кўркам савдо мажмуаси қад ростлади. Уни барпо этишда тадбиркор Равшан Усмоновнинг ҳиссаси катта бўлди. Авваллари бу ерда эски, кўримсиз дўкон бўларди. Уни ҳозирги кўринишга келтириш учун 25 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бундан ташқари, шу кунгача қурилиб, эл хизматида бўлаётган «Нур», «Элита» кафелари ҳам айнан шу тадбиркорнинг ташаббуси билан қурилган.**

**Биз тадбиркор билан давлат томонидан яратилаётган шароитлардан қандай фойдаланаётгани, келажакдаги режалари хусусида суҳбатлашдик.**

## ЭЛ КОРИГА ЯРАМОҚ БАХТИ

— Сўнгги вақтларда «тадбиркор», «тадбиркорлик» сўзлари тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди, — деди у. — Оддий мисол: томорқангиздаги оддий бир кўчатнинг илдиз отиб, кўкариб, сархил мева бериши учун қанча парвариш, ҳафсала керак. Худди шунингдек, тадбиркорнинг ривожланиши учун ҳам эътибор талаб этилади. Бу соҳани ҳуқуқий, моддий шарт-шароитларсиз ривожлантириб бўлмайди. Авваллари ишга тўғаноқ бўлувчи муаммолар кўп бўларди. Чунончи, йўриқномалар кетидан йўриқномалар... Улар кўп ҳолларда бир-бирини инкор қиларди. Қайси бири асосида ишлашни билмасдинг. Бир кўрсатма бўйича энди ишга киришаман деганингда, иккинчиси чиқарди. Шунга яраша текширтекширлар ҳам бошланарди. Кўпинча тадбиркорларга эски, алмисоқдан қолган қоидаларни рўкач қилишарди. Натижада корхона касодга учрарди, одамлар ишсиз қоларди. Янги чиққан фармон ва қарорлар шунча муаммоларга ўралашиб қолган тадбиркорларимизга мадад бўлди. Энди солиқ идорасидан вакил келиб текширади, камчиликлар бўлса топади, ушбу хато суд орқали тасдиқланса, шунга яраша чора кўрилади.

**— Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг ярми ўтиб қолди. Сиз бошқараётган «Беҳруз-бизнес савдо» фирмаси ҳомийлик масаласига қандай қараяпти?**

— Умуман, ҳомий — бу авваламбор саховатли бўлиш, беғараз ёрдам бериш дегани. Ҳомий ва саховат тушунчаларини бир-биридан ажратиб бўлмайди. Президентимиз айтганларидек: «Ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини

(Давоми 2-бетда).

*«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар*

## «КАЛАВАНИНГ УЧИ ҚАЕРДА?»

**(2006 йил 14 июнь, № 46)**

**Шу сарлавҳа остида эълон қилинган мақолада Оҳангарон тумани Қорахтой қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида вужудга келган муаммоли вазият қаламга олинган эди. Электр ва газ тармоғи идорасидагилар томонидан коммунал тўловлар масаласида йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар, чалкашликлар таҳлил қилинганди.**

Таҳририят газетанинг ушбу чиқишига «Тошкент электр тармоқлари» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси Ш. Зарипов имзоси билан жавоб хати олди. Унда таъкидланишича, газетада баён этилган аҳвол бевосита Қорахтой қишлоғининг ўзига бориб, чуқур ва атрофлича ўрганиб чиқилган, мавжуд камчиликларни тугатиш чоралари кўрилганлиги маълум қилинган.

«Мақолада кўтарилган фикр-мулоҳазаларга жавобан қишлоқ фуқаролар йиғини билан туман электр тармоқлари идораси ҳамкорликда фаолият юритишлари хусусида келишиб олинди, — деб ёзади бошқарув раиси Ш. Зарипов. — Қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли барча хонадонларнинг электр энергиясидан қарзларини ҳатловдан ўтказишга қарор қилинди».

2006 йил учун обуна давом этмоқда
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ҚАРОРИ*

# «Тошавтобустранс» акциядорлик компанияси корхоналарининг давлатга қарашли акциялари пакетларини хусусий мулк этиб сотиш тўғрисида

белгиланган тартибда "Тошавтобустранс" акциядорлик компанияси автобус саройларининг давлатга қарашли акциялари пакетларини автобуслардан автобус саройларига бириктирилган йўналишларда мақсадли фойдаланиш мажбурияти олинган ҳолда ёпиқ кимошди савдоларида сотиш тартиби тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси ва "Асака" банкининг:

Тошкент шаҳар автобус саройларининг ҳаракат таркибини 2008-2010 йиллар даврида босқичма-босқич янгилаш, бунда автобус саройларининг давлат акциялари пакетларини сотишдан тушадиган маблағларининг "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмасида қолдириладиган қисми, шунингдек, автобус саройларининг ўз маблағлари, мамлакатимиз банклари ва хорижий банкларнинг, халқаро молия институтларининг кредитлари ҳисобига асосан дизель ва газ ёнилғиси билан ишлайдиган автобуслардан фойдаланиш тўғрисидаги;

"Асака" банки ва "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси томонидан тегишли лицензия асосида тижорат мақсадида йўловчилар ташийдиган юридик шахсларга автобусларни лизингга бериш бўйича лизинг компаниясини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Янги ташкил этиладиган лизинг компанияси 2010 йилнинг 1 январигача Тошкент шаҳри автобус саройларига лизингга бериладиган йўловчи ташиш автобусларини олиб кириш чоғида божхона тўловлари тўлашдан озод қилинсин (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно).

6. Шаҳар йўловчи транспортининг бир маромда ва бехатар фаолият кўрсатишини таъминлаш, ҳаракат таркибини янгилаш, шаҳар йўналишларидаги автобуслардан самарали ва мақсадли фойдаланиш учун Тошкент шаҳар ҳокими (А. Ҳ. Тўхтаев) ва "Тошшаҳартрансхизмат" уюшмаси раиси (Ш. Ш. Муҳамеджанов) зиммаларига шахсий жавобгарлик юклансин.

7. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2006 йил 3 июль.

(Давоми. Боши 1-бетда).

## Мустақилликнинг 15 йиллигига

# ЭЛ КОРИГА ЯРАМОҚ БАХТИ

обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз».

Туманда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларга, боқувчисини йўқотган қарияларга, ногиронларга қўлдан келганча ёрдам бермоқдамиз. Лекин, улар учун энг муҳими — эътибор. «Ҳолингиз яхшими?» дея хонадонларига кириб боришимизнинг ўзи уларнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Айрим ота-оналар ишсиз юрган фарзандларини олиб келиб: «Шу ўғлимни тарбиялаб беринг» дейишади. Уларнинг раъйини қайси юз билан қайтариш мумкин?! Имкониятимиз етганча иш билан таъминлаяпмиз. Энг асосийси, уларнинг кўча болаларига қўшилиб кетмай, ҳалол меҳнат қилишига эътибор қаратаяпмиз. Шунинг ўзи бир оила учун ҳомийлик ёрдами эмасми?

Ҳар йили пахта йиғим-терими мавсумида бошқа корхона ва ташкилотлар қатори далаларда пахта хирмонига ҳисса қўшаётганлар ҳузурида бўлиб, эҳтиёжига яраша кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур маҳсулотларни етказиб турамиз.

Тўғри бу айтишга арзигулик ишлар эмас. Лекин булар ҳар бир тадбиркор амалга ошириши зарур бўлган вазифалардир.

**— Ҳадемай, Мустақиллигимизнинг 15 йиллигини нишонлаймиз...**

— Шундай улуғ айём кунлари четда қараб турсак, яхши бўлмас. Насиб этса қатор бунёдкорлик ишлари билан тумандошларимизни хурсанд қилиш режамиз бор. Шулардан бири қад ростлаётган тўй ва базмлар уйидир. 400 квадрат метр майдонни эгаллайдиган тўйхонага бир вақтнинг ўзида 450 одам сиғади. «Қобул-текстиль» қўшма корхонаси яқинида жойлашган дўкон қурилишида ҳам иш унумли. Бу қурилиш ўтган йили бошланган. Аввалари бу ер ахлатхона эди. Саъй-харакатларимиз билан энди жой ободонлашяпти. Дўкон ишга тушиши билан маҳаллий аҳоли талабларига қараб озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари сотиладиган бўлади.

Бундан ташқари, яқин ойларда оилавий ҳордиқ чиқариш учун мўъжазгина дам олиш маскани барпо этишни мўлжаллаб турибмиз. Ушбу лойиҳамиз туркиялик ҳамкорларимиз билан биргаликда амалга оширилади. Лойиҳага кўра, бу ерда ёзнинг жазирама кунлари салқин ичимликлар, турли хилдаги музқаймоқлар, яхна шарбатлар билан савдо қилинади. Мақсадимиз, халқимиз корига яраш, улар учун қулайликлар яратиш, энг муҳими янги ишчи ўринлари очишдир.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуршида НАЗАРОВА суҳбатлашди.**

# ЎЙИНЛАР БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИ

**Ўзбекистонда 2006 йилнинг май-июнь ойларида компьютер ўйинлари бўйича тўртинчи мамлакат чемпионати ўтказилди.**

Бу беллашув ҳам, ўтган йилдаги каби, World Cyber Games (WCG) компьютер ўйинлари бўйича жаҳон чемпионати финал босқичига миллий саралаш турнири вазифасини ўтади. Бу йил мамлакатимиз терма жамоаси октябрь ойининг ўрталарида Италиянинг Монца шаҳрида бўлиб ўтадиган Grand Final WCG — 2006 мусобақаларида иштирок этади.

Миллий финал босқичи пойтахтдаги Халқаро бизнес-марказда бўлиб ўтди. Марказнинг катта залида 50 та энг замонавий компьютер ўрнатилиб, геймерлар учун барча шароитлар яратилди. Бир кун давомида 64 нафар финалчи орасидан чемпионат ғолиблари ва совриндорлари саралаб олинди. Эртаси куни "Зарафшон" концерт залида расмий мукофотлаш маросими ўтказилди. Ғолиблар ва совриндорларга компьютер ўйинлари бўйича Ўзбекистон чемпионати медаллари топширилди. Ўзбекистон терма жамоаси таркибида Вячеслав Югай, Артур Арзанов, Элмурод Нуртоев, шунингдек, Владимир Содиқов, Тимур Абдулқосимов, Александр Юдович, Абдуфаррух Мажидов ҳамда Артур Аксановдан иборат жамоа турли ўйинлар бўйича Grand Final WCG — 2006 жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.

"Samsung Electronics" компанияси барча ғолиб ва совриндорларга мукофот тариқасида 24 та уяли телефон тақдим этди. "Logitech" компанияси эса профессионал геймерлар учун махсус мўлжалланган компьютер клавиатураси, "сичқонча" ва манипуляторларни топширди.

World Cyber Games — 2006 Uzbekistan Preliminary саралаш турнири ташкилотчилари ўзбекистонлик кибератлетлар мустақил Ўзбекистон шаънини жаҳон майдонида муносиб ҳимоя қилиб, албатта мамлакатимиз нуфузини янада юқорига кўтаришига умид билдирди.

**В. НИКОЛАЕВ, ЎзА мухбири.**

# ТАЪЛИМ МАСКАНЛАРИ ЯНГИЛАНМОҚДА

**2006-2007 ўқув йили арафасида Қибрай туманидаги Чинобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 350 ўринли янги мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилади.**

— Мамлакатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурига мувофиқ чекка ҳудудлардаги ночор мактаблар ҳам замонавий илм масканларига айлантирилмоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Флора Йўлдошева. — Айни пайтда туманда 2006 йилда режалаштирилган мактабларни таъмирлаш ишлари тугалланмоқда.

Мазкур дастурга мувофиқ туманимиздаги янги 27-ўрта мактаб биноси қурилиши ҳам якунига етиб қолди. Унда ошхона, спорт зали, кенг ва ёруғ синфхоналар, фан кабинетлари ўрин олган. Ушбу илм масканлари замонавий жиҳозлар билан ҳам таъминланади.

Ўтган йилги дастур режасига кўра, битта мактаб капитал реконструкциядан чиқарилиб, учта мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Мазкур илм масканлари бугунги кунда бутунлай янгича қиёфа касб этмоқда.

**ЎзА.**

***СУРАТДА:*** *Чиноз туманидаги 15-умумий ўрта таълим мактаби қурилиши ҳам мустақиллигимизнинг 15 йиллиги арафасида фойдаланишга топширилиши режалаштирилган. Иш юритувчи Мақсуд Яхшимуродов ва дурадгор Ботир Чиннибоевлар қурилиш юзасидан суҳбатлашмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Таълим*

**Бугун республикамизда таълим тизимини ислоҳ қилиш, ўқитувчининг ижтимоий манфаатларини кўзлаб амалга оширилаётган тадбирлар хусусида тўлқинланиб гапирмасликнинг иложи йўқ. Эндиликда кундалик янгилик ва ўзгаришларни ҳис этмаётган, кузатиб бормаётган ўқитувчини топиш қийин. Суҳбатдошимиз — Паркент туманидаги 39-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Мухлис Пўлатов қарийб 31 йилдирки, устоз деган шарафли касбни ардоқлаб келаяпти.**

# ЎҚУВЧИНИНГ ИНТИЛИШИ ЎҚИТУВЧИГА БОҒЛИҚ

**— Бугунги кун ўқитувчиси қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?**

— Ижодкор, изланувчан, ташаббускор бўлмаган, ўз устида муттасил изланмаган муаллим замон талабидан орқада қолади. Ўқитиш тизимини жаҳон андозаларига мос ҳолда олиб бориш, ёшлар онгига фан кўникмаларини, она-Ватан, юрт меҳрини, миллий қадриятларни сингдириш орқалигина жамиятга фойдаси тегадиган шахсни тарбиялаш мумкин. Демак, бугунги кун ўқитувчиси мукаммал билимга эга бўлган, жаҳон тараққиётига мос келадиган замонавий педагогик технологиялардан хабардор бўлиши жуда муҳимдир.

**— Айтиш мумкин бўлса, ҳозирги айрим ўқувчилар ўқишга қизиқмай қўйишган. Улардаги ғайрат, интилиш, ҳавас ўрнини қандайдир бепарволик, иккиланиш ҳолатлари эгаллаган. Нима учун шундай?**

— Рости, бугун ахборот кўп, ёшларнинг кўпчилиги эътиборни тортувчи беҳаё дейсизми, мантиқсиз дейсизми, фильмларга берилиб кетишган. Бундай ҳолатларда ўқитувчи албатта, тажрибаларига таянган ҳолда дарс жараёнида ёйинки, синфдан ташқари тарбиявий соатларда ўз ўқувчилари билан «Ёшлар ва ҳаёт», «Менинг келгуси тақдирим», «Жамият олдидаги менинг бурчим» мавзуларида кўпроқ суҳбатлар ўтказиб бориш зарур. Бунда ота-оналар ҳамкорлиги, уларнинг фарзандлари тарбиясига бепарво бўлмасликлари зарур, деб ҳисоблайман.

**— Тарбиявий ишлардан ташқари, балки, бугунги кун дарсликлари талаб даражасида эмасдир?! Яратилаётган дарсликлар ўқувчи дидига мос келмаётгандир...**

— Тўғри, дарсликларнинг айримлари, хусусан, 9-синф алгебра, геометрия фанлари бўйича дарсликлар талабга жавоб бермайди. Улар иш режасига мос эмас. Айрим ҳолларда мавзуларга кам соатлар ажратилган бўлса, айрим ҳолларда бир мавзуни улгурмай туриб, иккинчисини бошлашга тўғри келиб қолади. Такомиллаштирилган дарсликларни яратиш борасида мутахассисларимиз ҳозир тинмай иш олиб боряптилар. Бу мақсадга ҳам эришамиз, албатта.

**— Устоз ва шогирд анъанасига муносабатингиз.**

— Бу жараён олдин ҳам бўлган, бундан буён ҳам давом этади. Агар ҳар бир фан ўқитувчиси жилла бўлмаганда бир нафар ўқувчиси билан мунтазам шуғулланиб, фан олимпиадаларида фаол қатнашиб, юқори поғоналарга кўтарилиб бораверса, устоз-шогирд анъанаси давом этаверади. Фақат бир-бирини тушуниш, кўзланган мақсад сари интилиш бир бутун майдонни ташкил қилмоғи керак.

**— Педагог ходимларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида нима дея оласиз?**

— Бугунги кун ўқитувчиси ўз устида тинимсиз ишлайдиган, ҳар томонлама кенг фикрлайдиган, илғор педагогик ва ахборот технологияларини самарали қўллай оладиган ижодкор бўлмоғи керак. Буни ҳаётнинг ўзи талаб этмоқда. Бугунги кунда халқ таълими ходимларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг чеки йўқ.

Президентнинг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва Вазирлар Маҳкамасининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорларининг қабул қилиниши таълимни ривожлантиришга ғамхўрликнинг ёрқин намунаси бўлди, десак янглишмаймиз. Асосий мақсад иқтидорли, ўз касбига содиқ педагогларни рағбатлантириш, ўқитувчилар меҳнатига ҳақ тўлашнинг адолатли ва ошкора механизмини жорий этиш ҳисобига уларнинг ташаббускорлиги ва касб маҳорати ўсишини рағбатлантириш, умумтаълим мактаблари ходимлари меҳнатини баҳолаш ва моддий рағбатлантириш масалаларини ҳал қилишда мактабларнинг мустақиллигини оширишдан иборат.

**Абдузухур ҚОРАБОЕВ суҳбатлашди.**

## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

Ушбу ер майдони харидор сотиб олишдан бош тортганлиги сабабли, 2006 йил 11 июлдан бошлаб, "Respublika Ko'chmas mulk birjasi Toshkent viloyati filiali" савдолар залида ҳар сешанба куни соат 12.00 да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига чиқарилади.

Ангрен шаҳар ҳокимияти томонидан мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш мақсадида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун сотилиши белгиланган, Ангрен шаҳар, 6/4 даҳасида жойлашган, сатҳи 0,06 гектар бўлган 3-ер майдони.

**Бошланғич баҳоси – 125 280 сўм.**

Ушбу ер майдони савдоларида қатнашиш учун ариза қабул қилиш савдо кунидан уч кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун 10 фоизлик закалат пулини қабул қилиш аукцион савдосидан бир соат олдин тўхтатилади.

**Имкониятингизни бой берманг!**

**Бизнинг манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй, Тошкент вилояти ҳокимияти биносининг ўнг қаноти.

**Телефонлар: 133-28-52, 133-77-18, 133-49-31, факс: 133-43-73.**

*Қонун ҳамма учун баробар*

# ФАРИДАБОНУ НЕГА МУЛЗАМ?

**Ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Ҳозир замон шундайки, ҳаракат қилган киши асло кам бўлмайди. Тадбиркорликка кенг йўл очилиб, катта-катта имкониятлар яратилиб қўйилган. Бундай шароитда хоҳлаган киши ўзи танлаган йўналиш бўйича тадбиркорликка қўл уриши мумкин. Боз устига уларга берилаётган имтиёзларни айтмайсизми?! Хуллас, замон интилганники, ишлаганники, изланганники.**

Лекин тадбиркорликни ҳам ҳамма ҳар хил тушунар экан. Текин даромад кетидан қуваётган «учар»лар ҳам учраб турибди. Устомонлик билан, «баргида юриб», тегишли давлат идораларини алдаб, осонгина даромад топишни мўлжаллаётганлар аслида ўзларини ўзлари алдаб юрганларини билишармикин? Ҳеч қаерда рўйхатдан ўтмасдан, тегишли солиқ тўловларини тўламай юрганлар бундай фаолиятлари узоққа бормаслигини наҳотки тушунишмаса?

Ана шундайлардан бири — Қуйичирчиқ туманидаги Қўрғонча қишлоғида истиқомат қилувчи Фаридабону Камолова турли-туман товарлар билан савдо қиламан, «универсал» тадбиркор бўламан деган умидда ўз мақсадини амалга оширишга киришди. Бора-бора тадбиркорлик кўламини кенгайтирди. Ўзи айтганидек, фаолиятини «универсал» тарзда юритишга ўтиб олди. Жаракжарақ пул кела бошлагач, Фарида Камолова чўчимайдиган, ҳамиша «кўтара» савдо қиладиган одат чиқарди. Солиқ тўлаш қаёқда дейсиз!

Қўза кунда эмас, кунида синади. Ўз хонадонида ноқонуний равишда савдо қилаётган «тадбиркор»нинг фаолиятига шу йил 6 июнь куни нуқта қўйилди. Ноқонуний тарзда, ҳеч қандай ҳужжатсиз, акциз маркасиз спиртли ичимликлар савдоси билан шуғулланиб келаётган шахсларни аниқлаш мақсадида ўтказилган тезкор тадбир унинг хонадонини ҳам четлаб ўтмади. Текширув мобайнида Қозоғистон Республикасида ишлаб чиқарилган ярим литрли 40 шиша «Пщеничная» ва 20 шиша «Айсберг» спиртли ичимликлари билан бирга 55 қоп аммиак селитра, 4 қоп аммофос минерал ўғитлари ва 2 қоп уруғлик пахта чигитини яширинча сотаётганлиги аниқланди. Бу далилий ашёлар ҳатланиб, фотосуратга туширилгач, Фаридабону Камолова қандай аҳволга тушганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Шу ўринда бир савол туғилади: нима учун бундай кишилар мавжуд қонунларни четлаб ўтишга уринишади? Қўзбўямачилик қилиб, давлатни, халқни ва охир-оқибатда ўзини алдаб, чув тушиб, эл-юрт, жамият олдида юзи қора бўлишга не ҳожат?

**Бахтиёр АЗИМОВ, вилоят давлат солиқ бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи.**

**Чирчиқ шаҳар «Тадбиркор аёллар» уюшмасига 1997 йилда асос солинган эди. Ҳозиргача унинг аъзолари сони 60 нафардан ошди.**

# ИШБИЛАРМОН БЎЛИБ ТУҒИЛМАЙДИЛАР

— Мен тадбиркорликни қарз олиб бошлаганман, — деди Гулнора Кенжаева. — Дастлаб шу пулга Тошкент «Отчопар» бозоридан шаҳримизда талаб кўпроқ бўлган болалар кийимларини келтириб сотишга киришдим. Қўлимда анчагина маблағ тўпланди, қарзимни ҳам уздим. Кейин Андижондан турли газламалар олиб келдим. Уларнинг ҳам бозори чаққон бўлди. Қарасам, матолардан қийқимлар чиқаяпти, ташлаб юбориш увол, 2002 йилда тегишли идоралардан рухсатнома олиб уйимда тикувчилик цехини очдим. Ҳозир унда 4 нафар қиз буюртма асосида турли пардалар, болалар ва катталар учун кийимлар тикиб, эгаларига етказишмоқда...

Орзуларим кўп, — сўзида давом этади суҳбатдошимиз. — Мақсадим тадбиркорлар кўпайса, кичик корхона ва цехлар сони ошса, истеъмол товарлари ўзимизда ишлаб чиқарилса, бозор, дўконларда ҳам нарх арзонлашади. Тўғри, ишимизни янада ривожлантиришда баъзан маблағдан сиқилиб қоламиз. Чунки, бизга тикиш машинаси ёки бошқа ускуналарни сотиб олиш учун кўп маблағ талаб қилинади. Аммо банклардан олинадиган кредит ҳисобига бу муаммоларни ҳал қилиш мумкин. Бу масалада тадбиркорларга қатор енгилликлар яратилгани нур устига аъло нур бўлмоқда.

**Умиджон СОДИҚОВ, ТКТИ талабаси.**


## ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**"Ўзбекистон банклари Ассоциациясининг аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги" МЧЖ**

**2006 йил 8, 15, 22, 29 август кунлари Ўзбекистон банклари Ассоциацияси биносида соат 11.00 да аукцион савдоларини ўтказади.**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани суд ижрочилари бўлинмаси аукцион савдосига қуйидаги объектларни қўймоқда:

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси ҳудудида жойлашган, "Мардиёр ўғли Кўчқор" фермер хўжалигига қарашли 3 та омборхона, гараж, цех бинолари ҳамда девордан ташкил топган ип-йигирув цехи бино ва иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси – 12 106 000 сўм.**

Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ тумани "Қорасув" ширкат хўжалиги ҳудудида жайлашган, "Қорасув" ширкат хўжалигига қарашли шийпон (қизил бурчак, маиший хизмат биноси).

**Бошланғич баҳоси – 2 500 000 сўм.**

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлашлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир соат олдин тўхтатилади.

Шунингдек, аввал савдоларга қўйилган ва ўз харидорини топмаган объектлар ҳафтанинг ҳар сешанба куни қайтадан аукцион савдоларига қўйилиши мумкинлигини маълум қиламиз.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, А. Хўжаев кўчаси, 1-уй. Телефонлар: 138-69-70, 138-69-93.

*Таътил*

# «КАМОЛОТ» БИЛАН СОЗ!

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ўқувчи-ёшларнинг ёзги дам олишларини қўнгилли ўтказиш мақсадида махсус дастур ишлаб чиқиб, оромгоҳ ҳамда маҳаллаларда қатор тадбирларни ташкил этмоқда. Жумладан, яқинда, вилоят хотин-қизлар қўмитаси, халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Бўстонлиқ туманидаги «Сиж-жак» ва «Азиз» оромгоҳларида «Камолот» билан ёз, ўтар жуда соз!» мавзуида қизиқарли тадбир ўтказди.***

Унда «Сижжак» оромгоҳида Қибрай, Оққўрғон ва Чиноз туманларидаги махсус мактаб-интернатларидан келиб, мириқиб дам олаётган 120 нафар ўқувчи-ёшларга «Булбулча» ашула ва рақс дастаси иштирокчилари ўзларининг қувноқ бадиий дастурларини намойиш этишди. Ўзбек, қозоқ, рус, тожик, уйғур, ҳинд миллий куй-қўшиқлари барчага манзур бўлди.

Шунингдек, «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси вилоят бўлими томонидан спорт мусобақаси ташкил этилиб, болаларга жамғарманинг эсдалик совғалари улашилди.

Вилоят ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасига қарашли «Азиз» оромгоҳида ҳам иккинчи мавсум якуни олдидан бадиий кеча уюштирилди.

— Бу галги мавсумда вилоят коллежларида меҳнат қилаётган ходимларнинг 100 нафар фарзандлари мароқли ҳордиқ чиқаришди, — дейди оромгоҳ бош тарбиячиси Шоҳида Муҳитова. — Улар иштирокида «Балли болалар!», «Балли қизлар!» танловлари, спортнинг турли йўналишлари бўйича мусобақалар ўтказиб борилди. Бадиий кечалар ташкиллаштирилиб, китобсеварлар, ёш рассомлар танловлари ўтказилди. Ёш истеъдод эгалари муносиб тақдирланди. Шунингдек, табиат қўйнига саёҳатлар уюштирилди.

— Оромгоҳ тарбиячилари биз учун алоҳида ғамхўрлик кўрсатишди, — дейди бекободлик Суннатилла Бўронов. — Далварзин маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг 1-курсини тамомладим. Ёзги таътилни Бўстонлиқнинг сўлим табиатида ўтказганлигимдан хурсандман. Бу ерда бир қанча қадрдон дўстлар орттирдим.

Бундай мазмунли тадбирлар Паркент туманидаги «Бойчечак», Ангрендаги «Коинот» ҳамда Бекобод шаҳридаги «Ёш цементчи» оромгоҳларида ҳам ўтказилди.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# МАҲАЛЛАДА ЯНГИ ЦЕХ

**Олмаликдаги Сўфи Оллоёр номли маҳаллада республикамиз мустақиллигининг 15 йиллигига атаб ишга туширилган кичик тикувчилик цехи аҳолининг кенг турдаги буюртмаларини тез ва сифатли тайёрлаб бермоқда.**

— Ишнинг ташкил этилишида маҳалла қўмитаси ва фаоллларнинг ёрдами катта бўлди, — дейди тадбиркор Шаҳло Омонова. — Ҳозирги кунда 8 нафар хотин-қиз меҳнат қилаётган цехда йил охирига бориб иш ўринлари сони 50 тага етади.

Цех қошида келгусида сартарошхона, ёшлар учун спорт зали ташкил этилиши ҳам режалаштирилган.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

# ЎЗБЕК ЭЛЕКТРОТЕХНИКАСИ ТАҚДИМОТИ

**Германиянинг Франкфурт-Майн шаҳрида мамлакатимиз электротехника ва электроника соҳасининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

У Ўзбекистоннинг ГФРдаги элчихонаси томонидан "Ўзэлтехсаноат" уюшмаси ҳамда Германия электротехника ва электроника соҳаси бирлашмаси (ZVEI) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Тақдимот давомида "Ўзэлтехсаноат" вакиллари республикамиздаги иқтисодий вазият, ўзлари фаолият юритаётган соҳадаги аҳвол, шу жумладан, хусусийлаштириш, қўшма корхоналар тузиш, сармояларни ҳимоялаш ҳамда ҳамкорлик имкониятлари тўғрисида ахборот бердилар. Хорижий сармоядорлар учун қатор корхоналар акциялари пакетларини харид қилиш тўғрисида аниқ таклифлар тақдим этилди.

**Маҳмуд БОБОНАЗАРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири.**

*Қонунчилик интизоми*

**Ҳеч шубҳасиз, сиёсий партиялар ва нодавлат, ноҳукумат жамоат ташкилотларининг жамиятдаги обрў-эътибори ортиб бориши, мавқеи мустаҳкамланиши билан улар давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратининг асосий воситасига айланади.**

Нодавлат-нотижорат ташкилотлар:

# КИМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ?

Мамлакатимиз Мустақилликка эришгандан сўнг жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотларни тартибга солувчи «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида», «Жамоат фондлари тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди.

«Нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги қонунда уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари белгиланган бўлиб, жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин. Қонуннинг 11-моддасига асосан жамоат бирлашмаси маънавий ёки бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси сифатида таърифланади.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида юридик ва (ёки) жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат-нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмалари нодавлат-нотижорат ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш адлия идоралари томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, жамоат бирлашмасини, нодавлат-нотижорат ташкилотларни рўйхатга олган адлия идоралари улар фаолиятида низом қоидаларига риоя этилишини назорат қилади. Шунингдек, адлия идоралари жамоат бирлашмаси, нодавлат-нотижорат ташкилотнинг раҳбар органидан қабул қилинган қарорларни тақдим этишни талаб қилишга, жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўтказадиган тадбирларда қатнашиш учун ўз вакилларини юборишга, низомга риоя қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан жамоат бирлашмаси аъзоларидан ва бошқа фуқаролардан тушунтириш олишга ҳақлидир.

Жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузиш амалдаги қонунларга мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади.

Халқаро ҳамда чет эл нодавлат-нотижорат ташкилотлар ваколатхоналари ва филиалларининг ҳамда уларнинг ходимлари сиёсий фаолиятда, шунингдек, низомдаги мақсад ва вазифаларга тўғри келмайдиган бошқа фаолиятда қатнашиши, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатлар томонидан ўтказиладиган тадбирларни молиялаштириши, бундай ташкилотларни тузиш ташаббуси билан чиқиши ва шундай ташкилотларни тузишни қўллаб-қувватлаши фуқароларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса, юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилмаган рамзий белгиларни ишлатиши ҳам мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга омил бўлади. Нодавлат-нотижорат ташкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари рўйхатдан ўтказувчи органнинг розилигисиз тадбирлар ўтказиши, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотлар ўтказаётган тадбирларга рўйхатдан ўтказувчи орган вакилининг эркин киришини рад этиш мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда, ушбу ташкилотлар ўз фаолияти тўғрисидаги ҳисоботларни рўйхатдан ўтказувчи органга ўз вақтида тақдим этмаслиги ёки белгиланмаган шаклда тақдим этиши, шунингдек, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ахборотни, шу жумладан улар томонидан мол-мулк ва пул маблағларидан фойдаланиши тўғрисидаги тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этмаслиги мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу қонуннинг 239-1-моддасига асосан жамоат фондининг ҳар йилги маъмурий харажатларининг жами суммасини, шунингдек, фоднинг васийлик кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзоларига ҳақ тўлаш ҳамда уларнинг ўз вазифаларини бажариш билан боғлиқ харажатларини қоплашни қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан ошириб юбориши мансабдор шахсларга харажатларнинг энг юқори суммасидан ошиб кетган миқдордаги пул маблағларини мусодара қилган ҳолда энг кам иш ҳақининг юз бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга, жамоат фондининг молмулкдан фойдаланганлик тўғрисидаги йиллик ҳисоботларни эълон қилмаслиги мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлиши белгиланган.

Вилоят ҳудудида фаолият юритаётган жамоат бирлашмалари, нодавлат-нотижорат ва диний ташкилотлар томонидан ўтказиладиган барча тадбирларда адлия бошқармаси ходимларининг иштироки, унда қатнашаётган фуқароларга амалдаги қонун-қоидаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб бериш давом эттирилмоқда. Зеро, мақсадимиз ҳуқуқий-демократик давлат барпо этишда қонунларга ҳурмат билан қараш ва уларга оғишмай итоат этилишини таъминлашдан иборат.

**Ҳайрулла ҲАЙДАРОВ,**
**Наргиза МАҲҚАМОВА,**
**вилоят адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчилари.**

# ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

**Мамлакатимизда шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларда наслдор чорва моллари етиштиришни янада кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 23 мартда эълон қилинган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Ушбу ҳужжатга мувофиқ 2010 йилгача бўлган даврда чорвачилик корхоналари ва хўжаликларини ривожлантириш учун республикамизга олиб келинадиган наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарига бож тўлови бекор қилингани айни муддао бўлди.

— Бу имтиёз мамлакатимизга наслчилик материали, технология ва ёрдамчи ускуналарни олиб келишни жадаллаштирмоқда, — дейди «Насл-хизмат» Республика наслчилик уюшмаси раиси ўринбосари Омон Собиров. — Бу борада хориждан, аввало, Россиядан шундай технологик ускуналарни олиб келиш кўзда тутилган.

Бугунги кунда республикамиз бўйича етти миллион бошдан кўпроқ қорамол парваришланмоқда. Истиқболда бу рақамни бир неча баробар ошириш мўлжалланган. Шу мақсадда, биринчи галда соҳа моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилаётир. Айни вақтда зооветеринария ва бошқа сервис хизматлари кўрсатиш инфратузилмаси такомиллаштирилаётир.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚУВОНЧ – ГРАН-ПРИ СОҲИБИ

***Ўзбекистон Республикаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Жанубий Кореянинг LG Elektronics компаниясининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорликда мана уч йилдирки, мамлакатимиз ёшлари ўртасида "Йилнинг энг яхши ғояси" танловини ўтказиб келмоқда.***

Бундан кўзланган мақсад иқтидорли ёшларни излаб топиш ва уларга истеъдодини намоён этишда кўмаклашиш, ўқувчи ёшларнинг мустақил фикрлаш ва ихтирочилик қобилиятини ўстиришдан иборат.

Анъанавий бу танлов уч гуруҳда — 11 ёшгача бўлган мактаб ўқувчилари, 17 ёшгача бўлган мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари ҳамда бакалавр ва магистр талабалари ўртасида ўтказиб келинаётир.

Жорий йил танловнинг биринчи босқичига бир юз эллликка яқин ижодий иш келиб тушди. Улардан ўн олтитаси иккинчи босқичга йўлланма олди. Танлов ғолибларини саралашда тавсия этилган ғоянинг янгилиги, унинг аниқ ва равшан ифода этилгани, жамиятга келтирадиган нафи асосий мезон сифатида белгиланган.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида мазкур танловнинг жорий йилги ғолиблари эълон қилинди.

Қорақалпоқ давлат университети физика-техника факультети магистратура босқичи биринчи курс талабаси Қувонч Давлетов энг олий мукофот — гран-при совриндори бўлди. У бундай ютуққа энергияни тежаш ва экологик мувозанатни барқарорлаштиришга йўналтирилган изланишлари туфайли сазовор бўлди.

Барча ғолиблар сертификат ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**ЎзА.**

# ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ

***Бўстонлиқ туманидаги «Қўшқўрғон» ширкати кўп тармоқли хўжаликлардан ҳисобланади. Бу ерда ғаллачилик, чорвачилик билан бир қаторда сабзавотчилик ҳам яхши йўлга қўйилган.***

Хўжаликнинг пудратчи Зоир Мингяшаров бошлиқ экинзорларида ҳозир айни пишиқчилик пайти. Хусусан, 9 гектар майдонда помидорнинг универсал навларидан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозир сабзавоткорлар ҳар уч-тўрт кунда 5-6 тоннадан ҳосил йиғиштириб олиб, шартнома асосида пешма-пеш қайта ишлов корхоналарига юбормоқдалар.

Пудратчи гектарига 20-22 центнердан ҳосил олиб, мавсумда 200 тоннага яқин помидор етказиб беришни ният қилган.

***СУРАТДА:*** *хўжалик аъзолари Зуҳра Турсунбоева ҳамда Ҳилола Мингяшаровалар теримда илғорлик қилишмоқда.*

# ЁШ БАСТАКОРЛАР ТАНЛОВИ

***Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш бастакорлар танловини ўтказди.***

Мазкур танловда юртимизнинг кўплаб истеъдодли ёшлари ижоди миллийлиги, бадиий савияси каби мезонлар асосида кўрикдан ўтказилди.

Ўзбекистон Давлат консерваторияси тизимида мазкур олий ўқув юрти талабаси Фаррух Акрамов ғолиб деб топилди. Иккинчи мукофот Нурбону Эмин ҳамда Эмиля Минаҳмедовага, учинчи мукофот Анна Стороженко ва Игорь Иоффэга насиб этди.

Республика мусиқа коллежи тизимида эса биринчи ўринга Камола Сиддиқова сазовор бўлди. Иккинчи ўринга Зарина Ходиева ҳамда Гулруҳ Раҳимова, учинчи ўринни Нилуфар Ҳасанова ҳамда Абдусаид Абдурашидов эгаллади.

**ЎзА.**

*Аср вабоси*

# ЭҲТИЁТКОРЛИК ШАРТ

**Бугунги кунда инсоният, айниқса, ёшлар орасида ОИТС ва гиёҳвандлик касалликларининг авж олиши кузатилмоқда. Улар кўп ҳолларда ўлим билан тугаётир. ОИТС касаллиги вирусини юқтириб олаётганлар айрим давлатларда аҳолининг 80 фоизига етиб қолди.**

ОИТС хасталиги гиёҳванд моддаларни зарарсизлантирилмаган шприц ва игналарда қон томирига юбориш натижасида юқади. Шахс кайф ҳолатда ўзига ўхшаган гиёҳванд, маишатпараст, енгил табиатли кимсалар билан алоқада бўлиб, улардаги ОИТС вирусини ўзига юқтириб, жуфти ҳалолини ҳам касаллантиради. Шу боис, гиёҳвандлар ОИТС касаллигини юқтиришда икки томонлама хавфлидир.

Баъзи ёшлар тўқликка шўхлик қилса, бошқаси ўзи билмаган ҳолда, алдовлар натижасида бу йўлга кириб қолади. Болалар ўртасида гиёҳвандлик касаллиги тарқалишига ота-оналарнинг ўз юмушлари билан бандлиги, болаларнинг назоратсиз қолдирилиши, оилавий низолар, ортиқча бойлик орттиришга ружу қўйиш, болаларнинг керагидан ортиқ таъминланганлиги каби омиллар сабаб бўлмоқда.

Кўпчилик кучли таъсир қилувчи гиёҳвандлик моддасини, айниқса, героинни икки-уч маротаба қабул қилгач, унга нисбатан жисмоний ва руҳий қарамликни ҳис эта бошлайди. Танада тиришиш, бўғимларда, қоринда қаттиқ оғриқ бошланади. Руҳий тобелик шу даражага борадики, инсон ўз қиёфасини йўқотади, ҳеч ким ва ҳеч нарса, ҳаттоки энг яқин одамлари, ўз ота-онаси ва фарзандларининг ҳаёти ҳам кўзига кўринмайди. Қандай қилиб, нима эвазига ва қанча баҳода бўлса ҳам гиёҳвандлик моддасини қўлга киритиш ва яна бир бор қабул қилишга интилиш уларни талвасага солаверади. Гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилиш учун уни топиш йўлида жиноятга қўл уради. Қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик шулар жумласидандир. Гиёҳвандларнинг оиласи барбод бўлади, фарзандлари мажруҳ туғилади, дўст-ёр, оғайни, қавму қариндошлардан ажралади. Уни ҳеч нарса қизиқтирмайди, хотираси йўқолади, у ҳаёт гўзалликларини ҳис этмайди, бемеҳр, диёнатсиз бўлиб, қонунбузарлик йўлига киради.

Маълумотлар 70 фоиз қотиллик, 80-90 фоиз безорилик гиёҳвандлар томонидан содир этилишини кўрсатмоқда. Гиёҳвандлик иллати натижасида минглаб оналар фарзандларидан жудо бўлмоқда, оталар унсиз фарёд чекмоқда, кўпгина аёллар бева ва минглаб болалар етим бўлиб қолмоқда.

Пировардида гиёҳвандлар ОИТС, гепатит, таносил ва бошқа касалликларга чалинади. Бу офатнинг олдини олишда ўсиб келаётган авлод тарбияси билан мунтазам шуғулланиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда оиланинг ўрни катта. Соғлом турмуш тарзи, дунёқараши, ота-онанинг бир-бирига содиқлиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, поклиги, эътиқоди бола тарбиясида муҳим омил ҳисобланади.

Гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олиш учун мактаб, коллеж ва лицей ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабалари орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришда ота-оналар, маҳалла аҳли, педагоглар ва тиббий ходимларнинг биргаликдаги кўмаги мақсадга мувофиқдир.

Марказимиз мутахассислари, вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими, ички ишлар ва адлия бошқармалари, тери-таносил ва гиёҳвандлик касалликлари диспансери, Республика саломатлик институти вилоят бўлими ходимлари билан биргаликда ўрта таълим мактаблари, коллеж, лицей ва олийгоҳлар ўқувчи ва талабалари орасида олиб борилаётган тушунтириш ишларида «Соғлом авлод учун», «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Қизил ярим ой» жамияти вилоят бўлимлари ходимлари ҳам фаол иштирок этишмоқда.

Гиёҳвандлик ва ОИТС билан касалланмаслик ҳар бир одамнинг ўзига боғлиқ. Фарзандларимиз ўз ота-оналарининг панду насиҳатларига қулоқ солиб, улар айтганларини бажариши ва уларга ёрдамлашиши керак. Ҳеч бир ота-она ўз зурриёди ёмон инсон бўлиб улғайишини истамайди. Ўқувчи ва талабаларимиз устозлари айтган йўлдан бориб, ахлоқ-одобли, таълим тарбияли, маънавияти юқори ҳамда иродали бўлиб, илм чўққиларини эгаллашлари лозим.

Ёшлар ОИТС, гепатит ва таносил касалликлари маиший бузуқлик ҳамда зарарсизлантирилмаган, ифлос шприц ва игналар орқали юқишини доимо эсда тутишлари лозим. Ахлоқий бузуқликка, гиёҳвандликка ҳамда ичкиликбозликка берилмаслик ва бу иллатларга қарши курашиш хасталикларнинг олдини олишда муҳим омилдир. Турмуш қурганларнинг бир-бирига садоқатли бўлиб, иззат ва ҳурматда яшаши, фарзандлар келажаги ва улар тақдири тўғрисида қайғуриши соғлом турмуш тарзининг энг ишончли амалларидир.

**Бахтиёр РАСУЛОВ,**
**вилоят ОИТС маркази мутахассиси, тиббиёт фанлари номзоди.**

*Jaholatga qarshi ma`rifat bilan*

*2004-yilning 29-30-mart va 1-aprel kunlari O`zbekistonimizda 9 nafar ichki ishlar xodimi va 5 nafar fuqaro terror atalmish jaholatning qurboni bo`lgani ham shu haqda iztirob bilan o`ylashga da`vat etadi.*

***Islom KARIMOV.***

**Mahmud TOIR,**
**O`zbekiston xalq shoiri.**

# OGOH BO`L, DUNYO

**(Doston)**

## ARMON

*Quyosh siz uchun ham kulib chiqardi,*
*Oy ham tuningizga chiroq tutardi,*
*Uyda jondek shirin jonlar kutardi,*
*Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.*

*Biringiz Kasbida tug`ilgan Erkin,*
*Muhiddinsiz qolgan Surxon ne derkin?*
*Ko`hna Shosh sog`inar Qodirdek o`g`lin,*
*Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.*

*Samarqand ko`kidan uch yulduz uchdi,*
*Faxriddin, Otabek, Mansur yer quchdi,*
*Uch baxtning ko`ziga nogoh cho`p tushdi,*
*Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.*

*Vahobiddin Parkent o`g`loni edi,*
*Zaitbek Qibrayning qalqoni edi,*
*Azizjon Yangiyo`l dostoni edi,*
*Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.*

*Siz yo`q ostonalar ohi o`rtaydi,*
*Qayg`ular qon qusib, quvonch qoraydi,*
*Qabringiz qoshida osmon toraydi,*
*Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.*

*Siz Vatan ko`kida so`nmas quyoshsiz,*
*Elning yodidasiz, ruhan dildoshsiz,*
*Sog`inchsiz, armonsiz, bitmas ko`z yoshsiz,*
*Haqqingiz bor edi baxtli yashashga.*

*To`qqiz uyda to`qqiz ona,*
*To`qqiz o`g`lin yo`qlaydi.*
*Bag`ri butun odamlar,*
*Bu yo`qlovni uqmaydi.*

* * *

*O`qqa uchgan bolam-ov,*
*Yo`qqa ko`chgan bolam-ov,*
*Yuragimning yoniga*
*Chiqdi chipqon bolam-ov!*

*Sening o`lganing yolg`on,*
*Mening qolganim yolg`on,*
*Senga tekkan o`q, bolam,*
*Mening jonimni olg`on!*

*O`g`ling o`rmalab kelar,*
*Qizing yumalab kelar,*
*Ko`zlarimning qonlari*
*Yuzdan dumalab kelar.*

*Yo`qlab borsam qabringga,*
*Qayrilmaysan, bolam-ov!*
*Tuproq onang bo`ldimi,*
*Ayrilmaysan, bolam-ov!*

*Jon bolam, jonim bolam,*
*Mangu armonim bolam!*
*Qonimda qirq yil yozsam*
*Bitmas dostonim, bolam!*

*Aytilgan gap, otilgan o`qdir,*
*Mayda gaplar sig`mas dilimga.*
*Aybsiz ketgan ruhlar chorladi,*
*Qalam oldim nogoh qo`limga.*

*Demang tildan doston to`kildi,*
*Dildan og`riq, xazon to`kildi.*
*Qirqta emas, bir edi jonim,*
*Vale qirq ming joydan so`kildi.*

*Yer yuzida loaqal bir kun,*
*Odam nohaq o`lmagan kun yo`q.*
*Ko`hna dunyo ko`hna yarangni,*
*Nahot bir kun tilmagan kun yo`q.*

*Qodir Olloh, bandalar ojiz,*
*O`zing qo`lla, yaxshiga naf qil!*
*Yer yuzidan, ko`kning ko`zidan,*
*Terror degan baloni daf qil.*

*Tinch tonglarning toza yuzidan,*
*Sen uyg`onib, nur tergin, inson.*
*Quyoshga boq, o`tli ko`zidan,*
*Qalbing uchun qo`r tergin, inson!*

*O`tgan kuning — o`tgan umringdir,*
*Omonliging shukrin qilsang-chi!*
*Hatto qush ham uyasin asrar,*
*Odamliging fikrin qilsang-chi!*

(Davomi. Boshi o`tgan sonlarda).

(Davomi bor).

## ВАРШАВАДА САМАРҚАНД ЖИЛОЛАРИ

**Варшавада таниқли поляк рассоми Станислав Познаньский-нинг "Самарқанд жилолари" кўргазмаси очилди. У "Осиё ва Тинч океани" музейи томонидан мамлакатимизнинг Польшадаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.**

Познаньский ўз асарларида мамлакатимиз халқининг кундалик ҳаёти, меъморчилик санъати ёдгорликлари, табиати ва шаҳарлари манзараларини акс эттирган. Экспозициядан ўзбек халқ усталари ишлаб чиқарган сопол буюмлар ва ипак матолардан тайёрланган кийим-кечаклар ўрин олди.

**«Жаҳон» АА.**

## ЎЗБЕК ФИЛЬМИГА МАХСУС СОВРИН

**Москва шаҳрида бўлиб ўтган 28-халқаро кинофестивалда ўзбек режиссёри Ёлқин Тўйчиевнинг "Чашма" бадиий фильми "Истиқбол" дастури бўйича махсус совринга сазовор бўлди.**

Фильм мустақил ҳаёт остонасида турган ёшларнинг бир қарашда содда ва оддий кўринган кишиларнинг мураккаб тақдири, турли кечинмалари, саргузаштлари, орзу ва армонлари ҳақида ҳикоя қилади.

Ё.Тўйчиевнинг "Орзу ортида" фильми МДҲ ва Болтиқбўйи давлатларининг "Киношок" халқаро фестивалида "Энг яхши тасвирий ечим учун" номинацияси бўйича махсус совринга лойиқ топилган эди.

**Н. УСМОНОВА, ЎзА мухбири.**

## КЎРГАЗМАДА МУСАВВИР ИЖОДИ

**Республика Бадиий академиясининг кўргазмалар залида моҳир мўйқалам устаси Темур ғолиб Жамолиддиновнинг ранг-тасвир ва графика жанрида яратган асарлари кўргазмаси бўлиб ўтди.**

Бутун умрини тасвирий санъат ривожига бағишлаган Темур ғолиб Жамолиддинов ижодига мансуб картиналарда инсон руҳиятига кучли таъсир кўрсатадиган ўткир ранг-дор ҳолатларда тарихий ва замонавий манзараларни ғоятда ёрқин бўёқларда тасвирланган.

Кўргазмада рассомнинг 200 дан ортиқ энг сара асарлари намойиш этилди. Ижодкорнинг миллий руҳ билан йўғрилган нафосатга бой майин ва ёруғ бўёқларни ўзида мужассам этган бебаҳо асарлари ҳозирги кунда кўпгина санъат музейлари ва хорижий галереялар тўпламида муносиб ўрин эгаллаган.

**«Туркистон-пресс».**

### Шундан кейин

## ҲАФСАЛА ПИР БЎЛГАНДА

Бразилиянинг Шапеку шаҳрида футбол ишқибозлари мазкур мамлакат терма жамоаси ҳамда Испания «Барселона»сининг ҳужумдаги ҳимоячиси Рональдиньо Гауш шарафига бунёд этилган ҳайкални ёқиб юбордилар.

Баландлиги 7,2 метрли ҳайкалдан қўл ва тўпнинг бир қисмигина қолди, холос. Спортнинг бу тури мутаасиблари Германиядаги жаҳон чемпионатида муваффақиятсиз ўйнаган дунёнинг энг яхши футболчисига нисбатан ўз норозиликларини шу тариқа намойиш этдилар.

## СЎНГАК ЧИДАСА БАС

Протезни бевосита бемор суягига улашда инфекция туширмаслик кафолатини берувчи янги услуб тиббиёт оламида мисли йўқ имкониятлар очмоқда.

Бу услубнинг афзалликларидан бири марказий асаб тизими билан боғланувчи сунъий аъзолар яратилишига йўл очиб беришидадир, деб ҳисоблашмоқда мутахассислар.

## ОМАДДА ВАФО ЙЎҚ

Малайзиялик кимса марҳум бувисининг маслаҳати билан 11 минг долларлик ютуқ эгаси бўлди.

Марҳума аёл неварасининг тушига кириб, бир неча бор 6064 рақамини такрорлади. Механик Тан Тей Сек шундай рақамли лотерея билети сотиб олди-ю, ютуқ соҳибига айланди.

Аммо пулнинг ўзини кўриш унга насиб этмади. Киссавурлар Тан Секнинг ютуқли чипта солинган ҳамёнини ўғирлаб кетишди...

## САЛОБАТДА ТЕНГСИЗ ЭМИШ

Эронликларнинг таъкидлашича, ҳозир Нишопур шаҳрида қўлда тўқилаётган ва фотосурати дунёга кўз-кўз қилинаётган энг катта гиламнинг шу пайтгача тенги бўлмаган.

Маҳсулотнинг узунлиги 135 метр, эни 46 метр. Уни тайёрлаш учун 35 тонна жун ва 12 тонна пахта сарфланади. Мазкур гилам буюртмачиси бўлмиш Бирлашган Араб Амирликларидаги масжид унинг учун 8,5 миллион доллар ҳақ тўлар экан.

### • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт • Спорт •

## БИР ЮЛДУЗ БЕШ ЮЛДУЗНИ ТЎХТАТДИ

**Франция терма жамоаси 1/4 финалда ғолибликка асосий даъвогар бўлган бразилияликларни (1:0) мағлубиятга учратиб, 18-жаҳон чемпионатидаги энг шов-шувли натижани қайд этди.**

57-дақиқада чап қанотдан Зидан оширган жарима тўпини Анри дарвозага йўллади. Бразилияликлар бу учрашувда ўзларининг нималарга қодир эканликларини кўрсата олишмади. Улар шу куни майдон марказини рақибларига бериб қўйдилар. Ҳимоячилар ҳам хатоликларга кўп йўл қўйишди. Амалдаги чемпионлар ҳужумда фаолроқ ўйин кўрсатишди. Аммо уларнинг ҳаракатларида ҳамжиҳатлилик кўзга ташланмади. Бош мураббий Карлос Перрейронинг ўйинчиларни алмаштириши ҳам самара бермади. Яратилган имкониятлардан унумли фойдалана олмаган Рональдино ҳамда Робиньоларга аниқлик етишмади. Бунга жавобан французлар ҳимояда муносиб ўйин кўрсатди.

## РУНИ НЕГА МАЙДОНДАН ЧЕТЛАТИЛДИ?

**Жаҳон Футбол федерацияси мутасаддилари 1/4 финалда Португалияга қарши майдонга тушган Англия ҳужумчиси Уэйн Рунига қизил карточка кўрсатилганига ажабланишганини маълум қилишди.**

Учрашувни бошқарган аргентиналик ҳакам Орасио Элисондонинг ҳатти-ҳаракати ва ўша вазият ФИФАнинг ҳакамлар ва дисципланар қўмитаси томонидан атрофлича таҳлил этилади. Эслатиб ўтамиз, Руни 62-дақиқада тўп учун Карвалью ва Луиш Фигу билан кураш олиб бориб, португалияликлар қамалига тушиб қолган эди. Қамалдан чиқишга уриниб, Карвалью билан тўқнашиб кетганди. Воқеа жойига тез етиб келган Криштиану Рональдо ҳакамга бир нарсаларни тушунтириб кетди. Бундан ғазабланган Руни Криштиануни турти б юбориб, ҳакам кўрсатган қизил карточка билан жазоланди. Қоида бўйича ҳакам ўз қарорини футболчига тушунтириб ўтирмай, учрашув ҳақидаги ҳисоботида батафсил сўзлаб бериши керак.

ФИФА вакиллари, Руни Англиянинг навбатдаги расмий учрашувида иштирок эта олмаслигини таъкидлашди. Бироқ, ўйинчига тааллуқли кейинги санкциялар вазият атрофлича таҳлил этилгач маълум қилинади.

**Отабек ЭЛТОЕВ, «Тошкент ҳақиқати» спорт шарҳловчиси.**

### Олий лига

## «МЕТАЛЛУРГ» ЯНА ЮТҚАЗДИ

**Футбол бўйича олий лига жамоалари навбатдаги 16-тур учрашувларини ўтказишди. Вилоятимиз вакили «Металлург» Жиззахда «Сўғдиёна»га қарши майдонга тушди.**

Ўтган турдаги худди шу жамоалар баҳсида «Металлург» ўз майдонида мағлубиятга учраган эди. Бу сафар ҳам жамоа вакиллари ўйиннинг дастлабки дақиқаларида майдонда фаол ҳаракат қилиб, тенг кураш олиб борди. Бироқ, дарвозасига киритилган ягона тўп «Металлург»нинг чемпионатдаги саккизинчи мағлубиятига сабаб бўлди. Турнинг марказий учрашувида «Пахтакор» Наманганнинг «Навбаҳор» жамоасини қабул қилиб, меҳмонлар дарвозасини уч бор ишғол қилди.

Турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Насаф» — «Машъал» — 3:1; «Шўртан» — «Хоразм» — 5:0; «Локомотив» — «Нефтчи» — 1:0; «Сариосиё» — «Трактор» — 1:6; «Анжидон» — «Самарқанд» — 3:0; «Қизилқум» — «Бухоро» — 1:0.

Навбатдаги 17-турда «Металлург» ўз майдонида «Локомотив»ни қабул қилади.

## ДИЛШОД ВА АРТУР — ЧЕМПИОН!

***Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрида эркин кураш бўйича Халқаро спорт курашлари федерациясининг (ФИЛА) "Golden Grand Prix" туркумига кирувчи ҳалқаро турнирида дунёнинг энг кучли спортчилари қаторида тўрт нафар ўзбекистонлик курашчи ҳам ғолиблик учун гиламга чиқди.***

Нуфузли мусобақада ҳамюртларимиздан – икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ҳамда жаҳон чемпионати ва Олимпиада ўйинлари ғолиби Артур Таймазов ўз вазн тоифасида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медаль билан тақдирланди. Абдул Аммаев эса кучли тўртликдан жой олди.

Эслатиб ўтамиз, ўта оғир вазнда дунёнинг энг кучли эркин курашчиларидан ҳисобланган Артур Таймазов жорий йилнинг март ойида ФИЛАнинг "Golden Grand Prix" туркумига кирувчи Тошкентда ўтказилган "Ўзбекистон республикаси Мустақиллиги кубоги" халқаро турнирида ҳам ғолиб чиққан эди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ, ЎзА мухбири.**

### Биринчи лига

## УЧ ЖАМОА ПЕШҚАДАМЛИК ҚИЛМОҚДА

**Мамлакат 15-миллий чемпионатининг биринчи лигада қатнашаётган жамоалари 16-тур учрашувларини ўтказдилар.**

«ОТМК» жамоаси ўз майдонида «Шайхонтоҳур» жамоаси билан 2:2 ҳисобида жанговар дурангни қайд этди ва ўз ҳисобидаги очколарни 32 тага етказди. «Машъал-2» жамоаси эса, «Кимёгар» билан ўз майдонида 0:0 ҳисобидаги дурангга имзо чекдилар.

Қувасойнинг «Цементчи» жамоаси эса Термизда «Сурхон» жамоасига қарши баҳс юритиб, 1:0 ҳисобида ғалаба қозонди. Вилоятимиз вакили — «ОТМК» жамоаси чемпионатда карвонбошилик қилаётган уч жамоадан бири бўлса, вилоятимизнинг иккинчи вакили «Кимёгар» жадвалда 18 очко билан 15-ўринни банд этган.

**Талъат ЮСУПОВ.**

*Сочларингда*
*ўйнайди насим,*
*Кўзларингда*
*нурли табассум.*
*Гўзалликка*
*кўнгил ошуфта,*
*Сочларингга*
*келар ҳавасим.*

**Даврон АҲМАД сурат-лавҳаси.**

### Ҳаёт сабоқлари

## КЎЗИ ВАҚТИДА ОЧИЛДИ

Кўча эшик зарб билан очилиб, Салима шаҳдам кириб келди. Уни ҳовлида қарши олган она қизининг кайфияти бузуқлигини сезиб:

— Келдингми қизим, тинчликми? — деди.

— Тинчлик, ойи, бошим қаттиқ оғрияпти, — деди-ю, хонасига кириб кетди. У уй ичида ҳам ўзини қаерга қўярини билмай, хонанинг у бошидан бу бошига юра бошлади. «Эссиз, кўзим қаёқда эди-я...» Бўлиб ўтган воқеа кўз ўнгида қайта жонланаверди.

Улар шу тонг саҳарда тўртовлон йўлга чиқишган эди. Тоҳир рулда, Асолат унинг ёнида, Салима билан Шокир орқа ўриндиқда ўтиришарди. Салиманинг юраги қувончга тўла, атрофга суқланиб боқади, ёнгинасида ўтирган севгилиси Шокирга қарабқараб қўяди. Йигит ўзига оро бериб кийинган. Шўх кулади, ҳазил-мутойиба гапларга чечан.

Атроф гўзал, алвон лолалар адирларга чўғдай гилам тўшаган. Ёшлар манзилга етиб келгач, адирнинг баланд ерини танлашди. Ўзлари билан келтирган нозне ъматлардан дастурхон тузашди.

Нонуштадан сўнг улар лола теришга тарқалишди. Бир тарафда юқорига чиқиладиган йўл, нариги тарафда тоғ даралари. Тоҳир тобора юқорига кўтарилаверди. Асолат унинг ортидан бориб «Бўлди, жуда баландку, чиқманг», дегани билан у қулоқ солмади. Шу пайт Салиманинг ёнида турган Шокир ҳам Асолат тарафга қараб кетди. Қизга етиб олгач, унинг билагидан тутиб, қулоғига бир нималар деди. Уларнинг ортидан ҳайрон қараб турган Салима Шокирнинг бу қилиғига ажабланди-ю, лекин дуруст аҳамият бермади. У атроф гўзаллигига мафтун, энтикиб-энтикиб нафас олганча, лола тергани ошиқди. Кетаётиб, дугонаси Асолат томон қараган эди, Шокир хира пашшадай ҳамон унинг ёнида гап сотиб турганини кўрди. Салима ғалати бўлиб кетди. Кўнглида қандайдир шубҳа туғилганди.

— Менинг вазифам сизларни зиёфат қилиш, қани дастурхонга марҳамат.

Шокир шундай дея, ўзига ароқ, қизларга вино қуйди.

— Сиз рулдасиз Тоҳир, мен бечорага жабр, сизнинг тегишингизни ҳам кўтарадиган бўлдим, омон бўлинг, қани қизлар, Асолатхон, охиригача, — деб қадаҳ уриштирди. Салима унинг ҳар бир ҳаракатини беихтиёр кузатиб турди.

Тоҳир лола териб чарчаганми, оч қолганми, ҳеч нарса билан иши йўқдай эди.

— Сизлар кўтараверинглар, менга гўштдан узатворинг, Асолатхон, — деди у қизга меҳр тўла кўзлари билан қараб.

— Тоғ ҳавоси иштаҳангизни очиб юборибди, — деди қиз.

— Тепада бу ердагидан ҳам ҳаво тоза, ҳузур қилдим. Чиқмадинглар-да, дангасалар, — ҳазиллашди Тоҳир.

— Ичимизда битта қаҳрамон сиз экансиз-да, Тоҳиржон, — пичинг қилди Шокир.

— Албатта қаҳрамон-да, рулда бўлса, тоққа чиқиб гул терса, пастдагилар эса айшу-ишратдан бўшамади, — Асолат ҳам бўш келмади. Шокир Асолатнинг елкасини силаб қўйиб:

— Марҳамат, қайтишда биз ҳайдаймиз-да мошинни, фақат ёнимда сиз далда бўлиб кетасиз, шарт шу! — деди тортинмай Шокир.

— Ие, ҳали шундайми, бўлмайди. Сиз араҳингизни ичаверинг, бировга берадиган тизгин йўқ менда,— деди Тоҳир Шокирга ёвқараш қилиб.

Салима дарров сезди, демак Тоҳир ҳам Шокирнинг Асолатга шилқимлик қилганини пайқаб, шубҳага тушибди. Тўғри-да, Асолатдан кўз узмайдия, ўйларди Салима, тавба шу пайтгача бу йигитни бунчалик бачканалигини сезмаган экан...

Негадир даврага жимлик чўкди. Эрталабки хушчақчақликдан асар ҳам қолмади. Вазиятни сезган Тоҳир:

— Йиғиштиринглар, қайтамиз, — деди.

— Ия, ҳали эрта-ку, ошна, нимага шошяпсиз? — Шокир эътироз билдирган бўлди.

— Йўқ кетамиз, — Салима ҳам Тоҳирни қўллади. Бир Тоҳирга, бир Шокирга норози нигоҳ ташлаган Асолат:

— Ошга пашша тушди, эссиз, — деди ўкинч билан.

— Ия, сизларга нима бўлди, ҳай Тоҳиржон, ўйинбузуқилик қилманг! — Шокир ҳеч нарса бўлмагандай, Салимага юзланди.

— Саёҳат зўр ўтди. Бундан ортиғи бўлмайди, йўлга тушганимиз маъқул, — деди Тоҳир жиддий оҳангда. У «зўр» сўзига урғу бериб, киноя қилганди.

Шокир кўзи олазарак Асолатга юзланди. Асолат «ҳаммасига сиз айбдор», дегандай қовоқ солиб қараб қўйди. Шокир ясама ух тортиб:

— Бўпти-да, кетар бўлсак кетдик! — дея хоҳламайгина ўрнидан турди. Қизлар ҳам қўзғалишди. Кўнгилга ғашлик чўкканди. Шокирдан бошқа ҳамманинг кайфияти бузилган эди.

Улар қайтишаётганида бир йўловчи мўйсафид шаҳарга бирга олиб кетишларини илтимос қилди. Чапдаст Шокир машинадан тушди-ю, олди эшикни очиб, қолни Тоҳирнинг ёнига ўтказайлик деди. Асолат мажбур бўлиб машинадан тушди. Шунда Шокир орқа эшикни очиб, Асолатга: «Марҳамат ўтиринг» деди ва у ўтириши билан ёнидан жой олди. Қизнинг қулоғига: «Сизга яқин бўлганимдан хурсандман», деди аста. Бу сўз гарчи секин айтилган бўлса ҳам, Салима эшитиб, қалби зирқираб кетди.

Бутун сафар давомида Шокир унга эътиборсиз бўлгани ҳам майли-ю, дугонаси Асолатга хушомадгўйликни ҳаддан ошириб юборгани қизнинг иззат нафсига текканди. Аслида-ку, бу саёҳатни Тоҳир уюштирганди. У Салиманинг дугонаси Асолатни севади. Икковлари турмуш қуришмоқчи. Асолат бир куни Салимага: «Келаси дам олиш куни тоққа чиқмоқчимиз. Сизлар ҳам юринглар», деб таклиф қилди. Асолат Шокирни дугонасининг дўсти, яхши кўрган йигити, деб биларди.

Асолат эса кўҳлик қиз. Сочлари жингалак-жингалак. Кулча юзлари оқ, қош-кўзи тим қора.

Бир пайт Асолат олдинда мўйсафид билан суҳбатлашиб кетаётган Тоҳирга:

— Машинани тўхтатинг, — деди. У ҳам дарров итоат қила қолди. Қиз машинадан тушиб, орт томондан айланиб ўтдида:

— Нарироқ ўтир, Салима, — деди ва дугонасининг ёнига ўтириб олди. Бу ҳолдан Тоҳир елкасини қисиб ортга, Шокирга ҳўмрайиб қаради-ю, яна йўлда давом этди. Салима ич-ичидан бўғиб келаётган ғалаённи ошкор қилиб қўймаслик, дўстларининг кайфиятини бузмаслик учун дамини ичига ютди.

Шаҳарга етиб келишди. Салима «элтиб қўямиз», дейишганига ҳам қулоқ солмай, машинадан тушиб қолди. Шокир безбетларча ўтирарканг:

— Бизни юқори корпусга элтиб қўясизда, ошна, — деди Тоҳирга. Тоҳир эса:

— Узр, бизнинг йўлимиз бошқа тарафда, марҳамат, тушсангиз, — деди.

Мулзам бўлиб қолган Шокир мийиғида кулди-да, «шундайми, хўп хўжайин», деди-ю тушиб, эшикни шарақлатиб ёпди...

* * *

Салиманинг ўйлари худди шу ерга келганида эшикдан Асолат кириб келди.

— Салима, ўртоқжон, йўлда сен билан гаплаша олмадим, бирров уйга кирдим-у, ҳузурингга югурдим. Сенга жуда муҳим гап айтаман.

Салима дугонасига кулимсираб қаради. «Ҳаммасини биламан» дер эди унинг кўзлари.

— Шокир сенга муносиб эмас, Тоҳир акам Салимага айт, у субутсиздан нарироқ юрсин, деб тайинладилар, — деди.

— Раҳмат сенга, дугонажон, — деди Салима кўнгли ёришиб.

**Фарида УСМОНОВА.**

СП «TLWAY-TEXCOBR» сообщает об уменьшении уставного фонда до 1350000 долларов США.

Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, ул. У. Носира, д. 536. Телефон для справок: 380-39-24.

Темир йўл коллежи томонидан 1999 йил 5 мартда Турсунбаева Нафиса Ялгашовна номига берилган 305547 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Темир йўл коллежи томонидан 1997 йил 3 мартда Наркулов Турсункул Саиткулович номига берилган 040981рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тиббиёт коллежи томонидан 2002 йил 29 июнда Наркулов Турсункул Саиткулович номига берилган Т 019547 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## Фойдали маслаҳатлар

- Балиққа ишлатилган пичоқдан ҳид келмаслиги учун уни уксусли сувда ювинг.
- Котлет қовурганда тез қизариши учун сувга ботириб олинади.
- Творогли пирог тайёрлаганда суви чиқиб, хамирни бўктириб қўймаслиги учун 1 кг. творогга 4 ош қошиқ бўғдой ёрмаси (манная крупа) қўшилади.
- Сухарик тайёрланаётганда нонинг устига намакоб сепиб, духовкада қотирилса, мазали бўлади.
- Қайнатилган гуручни димлаб пишираётганда аввал озгина лимон сувини сиқиб юборсангиз, гуруч сочилиб пишади.

## Кулганга нима етсин

— Олғирбойнинг боласи эллик сўмлик тангани ютиб юборибди, хабар олиб чиқай!

— Уларга бало ҳам урмайди, отаси юз минг сўмни ҳазм қилиб юборган.

* * *

Ўғил алла айтиб, бешик тебратаётган отасидан сўради:

— Дада, эркаклар алла айтиб, бешик тебратса уят бўлади-ку?!

— Энанг бозордан чарчаб келган, бироз мизғиб олсин, — деди ота.

* * *

— Мўминжон ака, эр-хотин узоқ вақт бирга яшаса, феъл-атвори бир-бирига ўхшаб қолар экан-а?

— Ҳаққаст рост, Ўғилжон. Мана сиз диванда талтайиб ётиб, модалар журналини кўраяпсиз, мен муштипар эса, болаларнинг кийим-кечагини юваяпман.

**А. ҚОРАТОЙ тўплаган.**

## Об-ҳаво

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 5 июль куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 21-23, кундузи 37-39 даража иссиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 19-24, кундузи 35-40 даража иссиқ бўлади.

Республикамизнинг тоғли туманларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 11-16, кундузи 23-28 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 3003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 21.30. 1 3 4 5 6